

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

<b>З.Пардаева</b>	
Кредит-модуль таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш модели .....	94
<b>Ҳ.Жўраев, З.Раҳимов</b>	
Фурқат ижодининг ўзига хос хусусиятлари .....	103
<b>Х.Шарафиддинов</b>	
Қофиянинг функционал ва структурал эволюцияси .....	106
<b>Г.Муҳаммаджонова</b>	
Ижод психологизмининг бадиий талқини .....	110
<b>Я.Нишанов</b>	
Америка адабиёти тарихи: "Ва қуёш чиқмоқда" романидаги йўқотилган авлод.....	114
<b>А.Маҳмудов</b>	
Олмон адабиётшунослигида Шарқ мавзуси ва унинг эстетик роли .....	119

ТИЛШУНОСЛИК

<b>А.Мамажонов, М.Мамажонов, Б.Полвонова</b>	
Тилшуносликда вариантлик масаласи ва унинг бошқа ҳодисалар билан муносабати .....	124
<b>С.Мўминов, А.Юлдашев</b>	
Сўз илмий талқинига бир назар.....	130
<b>М.Зокиров, Ф.Исомиддинов</b>	
Билингв нутқида фонетик интерференциянинг намоён бўлиши хусусида .....	134
<b>Н.Умарова, О.Холматова</b>	
Мақол ва матал тушунчаси, мақоллар семантикаси хусусида .....	139
<b>Г.Розиқова, М.Қурбонова</b>	
Чўлпон ва Бехбудий асарларида окказионал бирликларнинг қўлланилиши.....	143
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш .....	147
<b>Ш.Кахарова</b>	
Ўқитувчи мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари .....	151
<b>Р.Абдуллаева</b>	
Дунёнинг лисоний мақол манзарасида одамга эстетик баҳони ўрганиш муаммолари .....	155
<b>Г.Мамаджанова</b>	
Лингвокультуремаларнинг фрейм тақдимотлари параметрлари .....	159

ПЕДАГОГИКА

<b>Т.Эгамбердиева</b>	
Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таҳлили ва талқини .....	164
<b>Х.Ибраимов, К.Тоджибаева</b>	
Бўлажак тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчиларида инклюзив компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурат сифатида .....	170

ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>М.Ҳакимов, Ш.Умурзакова</b>	
Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси фанини ўқитишнинг назарий масалалари ва мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	174
<b>Н.Валиева</b>	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмитанинг ташкил этилиши омиллари.....	179
<b>М.Расулов</b>	
Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни .....	182
<b>Ф.Каримова</b>	
Ўзбек халқ лирикасида олов аналогларининг бадиий вазифаси .....	186

УДК: 41+519.3+413.213

ТИЛШУНОСЛИҚДА ВАРИАНТЛИЛИК МАСАЛАСИ ВА УНИНГ БОШҚА ҲОДИСАЛАР  
БИЛАН МУНОСАБАТИ

ВОПРОС ВАРИАНТИВНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕЕ СВЯЗЬ С ДРУГИМИ ЯВЛЕНИЯМИ

THE PROBLEM OF VARIABILITY IN LINGUISTICS AND ITS RELATION TO OTHER  
PHENOMENA

Мамажонов Алижон<sup>1</sup>, Мамажонов Муҳаммаджон Юсуфжонович<sup>2</sup>,  
Полвонова Башорат Миробижоновна<sup>3</sup>

- <sup>1</sup> Мамажонов Алижон – Россия ФА мухбир-аъзоси, Фарғона давлат университети профессори, филология фанлари доктори.
- <sup>2</sup> Мамажонов Муҳаммаджон Юсуфжонович – Фарғона давлат университети, тилшунослик кафедраси мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).
- <sup>3</sup> Полвонова Башорат Миробижоновна – Фарғона давлат университети, лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги магистранти.

**Аннотация**

Мақола тилшуносликда вариантлик масаласига бағишланган бўлиб, унда ҳозирга қадар вариантлик ҳамда унинг бошқа тил ҳодисаларига муносабати ҳақидаги қарашлар умумлаштирилади. Вариантликка доир мавжуд фикрлар таҳлил қилиниб, лисоний далиллар билан изоҳланади.

**Аннотация**

Статья посвящена вопросам вариантивности в лингвистике. В ней обобщаются взгляды на вариантивность и ее связь с другими языковыми явлениями до настоящего времени. Существующие взгляды на дисперсию анализируются и объясняются лингвистическими доказательствами.

**Annotation**

This article focuses on the issue of variability in linguistics, which generalizes the views on variability and its relation to other linguistic phenomena so far. Existing views on variance are analyzed and explained through linguistic evidence

**Таянч сўз ва иборалар:** вариант, вариация, синхрония, диахрония, синонимия, дублет, параллелизм, паронимазия, аффикс, суффикс, акцент, фонетик, морфологик, синтактик, лексик-семантик.

**Ключевые слова и выражения:** вариант, вариация, синхронность, диахрония, синонимия, дублет, параллелизм, паронимазия, аффикс, суффикс, ударение, фонетический, морфологический, синтаксический, лексико-семантический.

**Key words and expressions:** variant, variation, synchrony, diachrony, synonymy, doublet, parallelism, paronomasia, affix, suffix, accent, phonetic, morphological, syntactic, lexical-semantic.

Тилшуносликда вариантлик (лотинча *вариантис*-“ўзгарувчан” сўзидан олинган) деганда, одатда лингвистик объектнинг ягона моҳият доирасида ўзгариши тушунилади. Вариантлик деярли, барча тилларга хос бўлиб, синхронияда бирга амал қилувчи, диахронияда бир-бирини алмашувчи формал ва семантик вариантлар структураси сифатида намоён бўлади[10,68].

Лингвистик вариантликнинг умумий назарияси ўзгаришларни лисоний белги онтологияси билан боғлиқ тил тизимининг фундаментал хусусиятларидан бири сифатида ўрганишни тақозо этади. Ф.де Соссюр лисоний белгининг вариацион

белгилари ҳақида гапириб, семиологик тамойиллардан бири бўлган белгининг ўзгарувчанлиги ва ўзгармаслиги ҳақидаги тезисни илгари суради [1,109]. Ифодаланувчи ва ифодаланмиш ўртасидаги ўзгарувчанлик ҳақидаги ушбу тезисни С.О Карцевский лингвистик белгининг асимметрик дуализми, дея талқин қилган[2,305].

Сўз вариантларининг белгилари ҳақида тадқиқот олиб борган А.И.Смирницкий эса бу белгиларни қуйидаги кўринишда бўлади:

1) сўз вариантларининг умумий ўзак қисмга эга бўлиши;

## ТИЛШУНОСЛИК

2) лексик-семантик умумийликнинг сақланиб қолиши;

3) вариантларнинг талаффузда фарқланиши лексик-семантик ўзгаришни келтириб чиқармаслиги[3,53,56].

Вариантлик лисоний ҳодиса сифатида лисоний ортиқчаликни ҳосил қилса-да, тил учун ниҳоятда зарур ҳодиса эканлигини инкор этиб бўлмайди. Вариантлик тил тараққиёти натижаси бўлиб, келгуси босқичга ҳам замин ҳозирлайди. Вариантлик тилнинг яшаш кўрсаткичларидан бири бўлиб, ундаги шаклий ортиқчалик табиий бир ҳолат ҳисобланади. Вариантлар алоҳида қўшимча ахборот ва функционал маънога эга бўлмасагина ортиқча бўлади. Вариантлик ҳодисаси барча тилшунослар томонидан эътироф этилса-да, уни изоҳлашда ҳар хиллик мавжуд. Баъзи олимларнинг фикрича, вариантлик – бу, бир тушунчани ифодаловчи бир қанча воситалар, вариантлар эса мазмунан яқин бўлган лисоний birlikлардир[4,22].

Тилшунос олим М.Мукаррамов “Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили” монографиясида вариантларнинг қўлланиши ҳақида шундай фикр билдиради: “Терминларнинг қўлланишини илмий адабиётлар тилида ишлатилаётган реал ҳаётдан келиб чиқиб анализ қилсак, термин ҳам оддий лексик birlikлар каби дублет ҳодисасига йўл қўйиши, бир илмий тушунчани аташ учун икки ёки ундан ортиқ терминлар ишлатилаётгани маълум бўлади. Бу ҳодисани ҳар бир ривожланган тилнинг терминологик системаларида учратиш мумкин ва буни салбий ҳодиса деб ҳисоблаш, бизнингча, хатодир. Аксинча, терминларнинг дублетга йўл қўйиши унинг миллийлигини белгилайди. Яъни шу фанний тушунча шу миллатга, шу тилда гапирувчи кишиларга маълумдир, деган хулоса чиқади. Масалан, тилшунослик термини ҳисобланган *аффикс* ўрнида *қўшимча* термини ҳам ишлатилади. Демак, терминларнинг дублет ҳодисасига йўл қўйишининг асосий сабабларидан бири илмий информациянинг кимга қаратилганидир”[5,53]. М.Мукаррамов асарида **префикс-олд қўшимча**, **суффикс-сўнг қўшимча** сифатида вариант эканлиги ва улар иккита тилнинг бир-бирига тенг

маъноли сўзлари экани, яъни дублетлиги қайд этилади.

Азим Ҳожиёвнинг “Тилшунослик терминлари изоҳли луғати”да дублетга қуйидагича таъриф берилади. “ДУБЛЕТЛАР (*франц – доублет – доубле – иккили*). Бир хил (тенг) семантик таркибга эга бўлган тил birlikлари. Мас., *тилчи – тилшунос, адаб – одоб, арзийдиган – арзирли*. Абсолют синонимлар, Вариант” [6,37]. Демак, дублетлар вариантлик ҳодисаси билан тенглаштирилган. Лекин бошқа бир муаллифнинг фикрича, сўз моддий қобиғининг ўзгариши натижасида юзага келади, вариантлар эса маъно жиҳатдан бир-бирига яқинлиги, шаклий жиҳатдан қисман фарқланиши билан тавсифланувчи birlikлардир[7,3,69]. Шунингдек, тилда “вариантлик”, “вариантдошлик”, “вариантдорлик” ҳамда “дублет”, баъзида “параллеллик” сўзлари ҳам қўлланиб, бу терминлар ҳам ўзаро синонимми ёки вариантми, деган фикрга ойдинлик киритишга ҳаракат қилиб кўрамыз.

Раъно Шаропова “Терминологияда вариантдорлик” мақоласида **сиёсатчи**, **сиёсатшунос ва сиёсатдон** терминлари (“сиёсат”(арабча) асосига -дон (форсча), -чи (ўзбекча), -шунос(форсча) аффиксларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган) “бир ясашиш асосига турли хил ясовчи аффиксларни қўйиш билан вариант терминлари ҳосил қилинган”ини ёзади[8,97]. Яъни, ҳар хил ясовчи аффикслар вариантдорлик ҳосил қилган. Лекин Феруза Мусаева худди шу ҳодисани синонимлик, деб атайди: “Синонимлар битта ўзакка эга бўлиши ҳам мумкин, аммо улар вариантлардан алоҳида ўзига хос сўз ясовчи элементининг мавжудлиги билан фарқ қилади. Масалан, **олд қўшимчалар**: баҳаво- боҳаво, беўрин-ноўрин; **аффикслар**: билимдон-билимли; **олд қўшимча ва аффикс**: беиллат-иллатсиз, бообрў-обрўли ” [9,69]. Демак, вариантдорлик ва синонимлик атамалари бир хил тушунча, вариант атама, деб юритилса бўлади. Вариантлик (вариантдошлик) ва дублет атамалари эса айни бир тушунчани (маъно-мазмуни бир, шакли бироз ўзгарган) ифодалайди. Параллеллик эса А.Мамажонов томонидан синонимияга тенглаштирилади. “Синтактик синонимия (мазмуний параллелизм)

стилистиканинг марказий масалаларидан биридир”, дейди олим [11,58].

Вариантликни синонимлардан, паронимлардан ва параллел бирликлардан фарқлаш лозим.

#### Вариантлик ва синонимлик.

Вариантлик маъно-мазмун мутлақ тенг, лекин шакли биров фарқланадиган бирликлардир.

“ВАРИАНТ (*лот.* вариант, вариантис — ўзгарувчи). Тил бирлигининг турли-туман ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган шакли. Масалан, аффиксининг варианты, сўзнинг варианты” [6,27]. Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида ҳам, асосан, морфемик ва лексик вариантлик чуқур тадқиқ этилган бўлиб [9,67], синтактик вариантликка жуда кам мурожаат этилади ва унга вариантликнинг кам қўлланадиган жиҳати, деб қаралади. Синонимларга эса қуйидагича таъриф берилади: “СИНОНИМИЯ (*юн.* синонимия — бир хил номга эгалик). Тил бирликларининг (сўзлар, иборалар ва б.) бир хил денотатив маънога эга бўлиши: *Лексик синонимия. Фразеологик синонимия. Аффиксал синонимия. Синтактик синонимия.*

СИНОНИМЛАР (*юн.* синонимос — бир номли). Бир умумий маънога эга бўлган (денотатив маъноси бир хил), қўшимча маъно оттенкаси, услубий бўёғи, қўлланишдаги хусусияти ва ш.к. белгилари билан фарқланадиган сўзлар. Масалан, *одат, расм, удум, таомил, урф, анъана* синонимлари бир хил маънога эга бўлиш билан бирга, турли жиҳатдаи ўзига хос хусусиятларга эга” [6,88]. Синонимлар бир денотатив маънога эга бўлган бир неча бирлик бўлиб, улар эмотционал-экспрессив ҳамда функционал жиҳатдан бир-биридан фарқланувчи алоҳида бирликлардир. Синонимлар лексик ва грамматик сатҳда учрайди, фонетик сатҳда мавжуд эмас. Масалан, лексик сатҳда **гапирмоқ** феъли синонимик уясида сўзламоқ, шивирламоқ, бақирмоқ, минғирламоқ каби сўзлар ўзаро маъно бўёғи ва услубий қўлланиши билан фарқланса, грамматик сатҳда **аффикслар** (тилшунос–тилчи), **боғловчилар** (аммо, лекин, бироқ, балки), **сўз ва бирикма** (амаким–дадамнинг укаси), **бирикма ва бирикма** (софдил инсон-оқкўнгил одам), **бирикма ва содда гап** (ширин хотира–хотиралар ширин), **содда гап ва**

**содда гап** (Ўртоғим уйимизга келди–Дўстим ҳовлимизга ташриф буюрди), **содда гап ва қўшма гап** (Дўст кулфатда синалишини билинг–Билингки, дўст кулфатда синалади), қўшма гап ва қўшма гап (Қор ёғди-ю, дон ёғди – Қор ёғди, гўё дон ёғди).

Вариантлик эса қуйидагича турларга эга:

1. Фонетик.
2. Лексик.
3. Морфологик.
4. Синтактик.

Берилган вариант турлари тўлиқ ва нотўлиқ бўлиши мумкин. Тўлиқ вариантлар фақат шаклий кўрсаткичлар (талаффуз ва урғу) билан фарқланса, нотўлиқ вариантлар функционал жиҳатдан (умумистеъмол ва махсус, умумистеъмол ва чегараланган лексика) ҳам фарқланади [9,70]. Тўлиқ вариантга мисол қилиб подшо –подшоҳ сўзлари жуфтлигини олсак, улар бир товушга фарқланса-да, лексик қатлам ёки услубларда қўлланиши жиҳатидан фарқланмайди. Нотўлиқ вариантга йўналиш-жўналиш сўзлари жуфтлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин, бунда уларнинг маъноси айнан бир хил бўлса ҳам, тилшунослик термини сифатида илмий услубда фақат жўналиш келишиги, деб ўрганилади, йўналиш келишиги варианты йўқ. Шунингдек, вариантларни баъзи характерли белгиларига кўра (қайси сатҳда учрашига қараб) қуйидаги турларга бўлиш мумкин.

1. Акцент вариантлар.
2. Фонетик вариантлар.
3. Морфологик вариантлар.
4. Синтактик вариантлар.

Акцент вариантлар урғу билан фарқланувчи вариантлар бўлиб, ўзбек тилида жуда кам учрайди. Бунинг сабаби ўзбек тилидаги урғунинг , одатда, сўнги бўғинга тушишидир. Акцент вариантлар урғунинг икки хил ўринда талаффуз этилишидан ҳосил бўлади. Булар четдан кириб келган ўзлашма қатламга оид сўзлардир. Масалан, сўнги пайтларда сифат туркумига оид баъзи сўзлар икки хил урғу билан айтилмоқда: биоло`гик–биологи`к; этимоло`гик–этимологи`к; эколо`гик–экологи`к каби.

Товуш талаффузи , фонемалар таркиби билан фарқланувчи вариантлар фонетик вариантлардир. Бундай вариантлар

## ТИЛШУНОСЛИК

талаффузда баъзи фонемалари ҳар хил айтилгани учун орфоэпик вариантлар ҳам дейилади. Масалан: терминал-тирминал, тендер-тендир.

Грамматик вариантлар эса ўз ўрнида морфологик ва синтактик вариантларга бўлинади. Морфологик вариантларни яна куйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Синтактик-муносабат шакли ҳосил қилувчи вариантлар: эгалик шакли (-м, -им :оилам, китобим); келишик шакли (-га, -ка, -қа :уйга, юракка, қишлоққа); майл шакли (-инг, -ингиз :боринг, борингиз).

2. Луғавий шакли ҳосил қилувчи вариантлар: чегара шакли (-гача, -қача, -қача: уйгача, юракқача, қишлоққача); нисбат шакли (-ил, -л, -ин, -н: осил, судрал, кўрин, тайёрлан); феълнинг функционал шакли (-ган, -кан, -қан: борган, эккан, чиққан).

3. Сўз ясовчи вариантлар: от ясовчи (-чилик, -лик: боғбончилик-боғбонлик; -чидор: дўкончи, дўкондор); сифат ясовчи (-гир, -боп: бозоргир, бозорбоп). Лекин сўз ясовчи вариантлар ҳақида турли фикрлар мавжуд бўлиб, масалан, Ф.Мусаева ўзининг “Ўзбек тилида вариантлик” мақоласида [9,69,70] бир жойда **билимли-билимдон** жуфтлигини бир ўзакка эга бўлган синонимлар, улар алоҳида сўз ясовчиси билан фарқланади, деб айтган бўлса, кейинроқ **дўкончи-дўкондор** сўзларидаги ясовчи аффиксларни вариантдош, деб атайди. Бизнингча, сўз ясовчи аффикслар абсолют синоним бўлгандагина уларни вариантлар деб аташ мумкин бўлади.

Синтактик вариантлар эса сўз бирикмалар, содда ва қўшма гапларда ўз турдоши доирасидагина юз беради, бирикманинг содда гапга ёки содда гапнинг қўшма гапга вариант бўлиши мумкин эмас. Бирикманинг содда гапга ёки содда гапнинг қўшма гапга вариант бўлиши мазмуний параллелизм, яъни синтактик синонимия дейилади [11,59].

**Вариантлик ва паронимлик.** Вариантлик пароним бирликларга шаклан жуда яқин. Уларнинг ҳар иккиси ҳам талаффузда ва шаклда бироз фарқланадиган бирликларни кўрсатади. Лекин вариантлик бир денотатив маънога эга бўлган битта бирликнинг ҳар хил кўриниши бўлса, паронимлик эса ҳар хил

лисоний бирликларнинг бир шаклга яқинлашиб қолишидир.

“ПАРОНИМЛАР (юн. пара — ёнида+онума — ном). Фонетик таркиби бошқа-бошқа, талаффуздагина ўхшаш, яқин бўлиб қоладиган сўзлар: *факт — пакт, абзал — афзал, амр — амир* каби” [6,80].

Паронимлик маъно жиҳатдан омонимликка яқин туради (араб ёзувига асосланган эски ўзбек ёзувида унли товушлар кўрсатилмагани учун пароним ва омонимларни бир-биридан фарқлашмаган, яъни тажнис ёки ийҳом шеърий санъатида омоним ва паронимлардан бир хил фойдаланишган). Бундан ташқари, паронимлардан стилистик фигура сифатида паронимазияда ҳам фойдаланилади. “ПАРОНОМАЗИЯ (юн. паронимазия <пара — ёнида+онума- сию — номлайман). Талаффузи ўхшаш, фақат бир-икки товушига кўрагина фарқланувчи, лексик маънолари бир-биридан узоқ сўзларни ёнма-ён қўллашдан иборат услубий фигура. Бадиий адабиётда паронимазиядан ифодалилик, оҳангдорликка эришиш, комик эффект яратиш, сўз ўйини қилиш каби мақсадларда кенг фойдаланилади. Масалан, *Кечалардан кўчага, Кўчалардан кечага кўчилар* (Шайхзода)” [6,80].

Дублет (вариант) ларни ҳеч қачон ёнма-ён қўллаб бўлмайди, улар стилистик фигура сифатида ҳам фойдаланилмайди, чунки вариация нутқ жараёнида вариантлардан фақат биттасини танлашни тақозо қилади, вариантларни кетма-кет қўллаш ёки битта содда гап таркибида ишлатиш ҳам нутқий ортиқчаликни келтириб чиқаради. Лисоний ортиқчалikka А.Ҳожиев куйидагича таъриф беради: “ОРТИҚЧАЛИК. Нутқда бир-бирига яқин маъноли ёки деярли бир хил маъноли бирликларнинг (ортиқча ҳолатда) қўлланиши, бир информациянинг бирдан ортиқ восита (бирлик) билан ифодаланиши: *Улар билан 12 ёшлар чамасидаги қизча ҳам бор эди* («Ўзбекистон маданияти»). Бу мисолда *чамаси* сўзи ортиқча қўлланган. Чунки *ёшлар* сўзидаги *-лар* қўшимчасининг ўзи чама (тахмин)ни ифодалайди (*12 ёшлардаги*). *Музейда кулолчилар томонидан яратилган ноёб буюмлар бўлимида ҳам рус ва Фарбий Европа заводлари тайёрлаган мингга яқин буюмлар бор* («Тошкент оқшоми»). *Кулолчилар* сўзидаги *-чи* аффикси ортиқча,

чунки кулол сўзининг ўзи касб эгасини билдиради.

«Ортиқчалик» сўзи лингвистик ҳодисани ифодаловчи термин сифатида «кераксиз», «бутунлай ортиқча» деган маънони билдирмайди. Бунда икки ҳолат кузатилади: 1) айна информацияни билдирувчи восита (бирлик)нинг бири ҳақиқатда ҳам ортиқча, кераксиз бўлиши мумкин: *Илғари одамлар мазористонга ғоят эҳтиром... тавозе билан муносабатда бўлишган* (Газетадан): *мазористон сўзидаги -истон қўшимчаси ортиқча, кераксиз;*

2) бундай қўллаш маълум мақсад билан, масалан, алоҳида қайд этиш, таъкидлаш ва ш.к. сабаблар билан боғлиқ бўлади: *Шу десангиз, сал ёруғроқда Келмоқ учун тополмадим вақт* (Ҳ. Шарипов). *Сал ёруғроқда бирикмасидаги сал сўзи ҳам, -роқ қўшимчаси ҳам озликни, пастроқ даражани билдиради. Лекин бу мисолда сал сўзини ёки -роқ қўшимчасини бутунлай ортиқча, кераксиз қўлланган деб бўлмайди* [6,76].

Шунингдек, паронимлар вариантлардан қуйидаги белгилари билан ҳам фарқланиб туради:

1. Лексик (турли маъно ёки маъно оттенкаларига эга бўлиши).

2. Морфологик (турли сўз ясовчи элементларга эга бўлишида).

3. Синтактик (ҳар хил сўзлар билан бирикиш хусусиятига эга, яъни валентлиги турлича).

Ҳатто бир хил сўзлар билан бирикканда ҳам паронимлар маъноси фарқ қилиши мумкин. Масалан: бурчи нималигини унутган — буржи нималигини унутган (биринчи бирикмада вазифасини эсдан чиқариш, иккинчисида таваллуд санасига оид 12 та бурждан бирини эслолмаган); нуфузи ортиб бормоқда — нуфуси ортиб бормоқда каби.

Лисоний вариантлар эса битта лисоний бирликнинг шаклан ҳар хил турлари бўлиб, маъноси бир хил бўлса-да, товуш таркибининг бир-бирига мос эмаслиги билан ажралиб туради. Масалан: андоза-андаза, браҳман-бараҳман каби. Паронимларни бир-бирининг ўрнида қўллаш мумкин эмас, вариантларни эса бемалол қўллаш мумкин.

### Вариантлик ва параллелик.

Вариантлик лисоний бирлик сифатида онгимизда ёнма-ён (параллел) турувчи

вариант (дублет)ларни ифодалар экан, бу ҳодисани параллелизм билан фарқлаш лозим. Параллелизмга А.Ҳожиев шундай таъриф беради:

“ПАРАЛЛЕЛИЗМ (юн. параллелос — ёнма-ён борувчи). Ёнма-ён гаплар, синтагмаларнинг бир хил синтактик қурилишга эга бўлиши. Масалан:

*Ухлолмасдан қўзғолдим нега?*

*У бомбалар портламоқчими?*

*Снарядлар дод солмоқчими?*

*Муз қоплаган деразаларга*

*Асколкалар ёғилмоқчими?*

(Ҳ.Олимжон).

ПАРАТАКСИС (юн. паратаксис — қатор тизиш). Тенг алоқали тузилма” [6,79,80].

Демак, асосан, поэтик матнда бир хил гап бўлақларининг айнан такрорланиб қўлланишидир. Яъни, биринчи мисрада аниқловчи +эга +кесим келса, кейинги мисралар ҳам шундай кетма-кетликда давом этади. Лекин параллелизм ҳодисаси фақат синтактик бирликлар учунгина бўлиб қолмай, барча сатҳларга ҳам алоқадор. Лексикологияда луғавий(лексик) параллеллар ҳақида гап боради [12,83]. Лексик параллеллар ҳақида Эрнест Бегматов шундай ёзади: “...ўзбек тили лексикасида шундай сўзлар ҳам борки, улар икки тилда ишлатилади. Чунончи, сийрег(сийрак), тайлаг (тойлоқ), танг (танглай), томуу (тумов), элчин (элчи), эрай (эрта), хох (кўк), хунжай (кунжут) сўзлари ўзбек тилида ҳам, мўғул тилида ҳам бор ва бу тилларда бир хил ёки яқин маъноларда ишлатилади. Агар мўғул тили туркий тил, қардош деб тушунилганда, келтирилган сўзлар умумтуркий лексик қатламига мансуб бўлур эди. Лекин ҳозирда ўзбек ва мўғул тиллари кўп ҳолда бошқа-бошқа системага мансуб тиллар деб ҳам қаралади. Бу сўзларни мўғул тилидан ўзбек тилига қабул қилинган ёки, аксинча, туркий тиллардан мўғул тилига ўтган, қабул қилинган деб ҳам бўлмайди. Шу сабабли бундай сўзлар тилшуносликда “ўртоқ сўзлар”, турк-мўғул лексик параллеллари деб аталмоқда” [13,55]. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тилшуносликда топопараллеллар ҳақида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган [14]. Параллел терминлар борасида ҳам қатор илмий ишлар олиб борилмоқдаки, уларни ўрганиб бир умумий хулоса қилсак, параллел терминларни бемалол вариант



## ТИЛШУНОСЛИК

терминлар дейиш мумкин. Масалан, Д.Хотамова : “Параллел терминлар илмий баённинг услубий жиҳатдан ранг-баранглигини таъминлайди, ягона бир терминнинг такрор қўлланишига йўл бермайди, шунинг учун ўзбек адабиётшунослигидаги параллел терминлардан бирини қолдириб , иккинчисини истеъмолдан чиқариб юбориш йўлидан бормаслик керак”, деб ёзади[15,61,63].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, лексик сатҳдаги параллеллар вариантлик билан тенг келса, синтактик сатҳдаги параллеллик синонимлик ҳодисасига тенг ҳисобланади.

## Адабиётлар:

1. Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. Труды по языкознанию. М.: Прогресс, 1977 .
2. Карцевский. С. О. Об асимметричном дуализме лингвистического знака // Звегинцев. В. А. История языкознания XIX-XX вв. в очерках и извлечениях. Часть III, – М.: Прогресс, 1985 .
3. Смирнитский. А. И. Лексикология английского языка. – М., 1956
4. Михайловская Н. Г. Лексическая вариантность в списках древнерусских памятников // Литературная норма и вариантность. М., 1981.
5. Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Т., 1984.
6. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com). кутубхонаси.
7. Граудина Л. К. К истории нормализации вариантов в грамматиках / Литературная норма и вариантность. М., 1981; Рогожникова Р. П. Варианты служебных слов в современном русском языке / Литературная норма и вариантность. М., 1981.
8. Шаропова Р. Терминологияда вариантдорлик, Ўзбек тили ва адабиёти, 1-сон, 2012 .
9. Мусаева Ф. Ўзбек тилида вариантлик. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 6-сон, 2015.
10. Мусаева Ф. Ўзбек тилида фразеологик вариантлар. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 5-сон, 2016.
11. Mamajonov A. Qo'shma gap stilistikasi. – Т., Fan, 1990.
12. Xudoyberganov R. Onomastik parallellar haqida. “O'zbek tili va adabiyoti”, 2014 y. 3-son,
13. Begmatov E. Hozirgi o'zbek adabiy tilining leksik qatlamlari. – Т., 1985 y.
14. Каримов Э. К. Этноним “минг” в топонимах Азербайджана // Ономастика Узбекистана, – Т., 1989. Абдурахманов А. Филологические исследования некоторых этнонимов, общих для узбекского и казахского народов // Материалы конференции по ономастике Узбекистана, Джизак, 1985; Мешадиёв Г. И. Лексические параллели в топонимической системе азербайджанского, узбекского и киргизского языков // Ономастика Узбекистана, Ташкент, 1989; Хапаев С. А. Узбекско-карачайско-балкарские параллели гидронимов Средней Азии и Северного Кавказа // Ономастика Узбекистана, Ташкент, 1989; Юсупов Ю. Б., Каримов С. К. Азербайджанские и узбекские топонимические параллели // Материалы конференции по ономастике Узбекистана, Джизак, 1985.
15. Хотамова Д. Adabiyotshunoslikdagi parallel terminlar haqida, O'zbek tili va adabiyoti, 4-son, 2014; Kubayev Q. Povest va qissa. “Til va adabiyot ta'limi”, 2005, 3-son.
16. Умаров Э. Навоий асарларида сўзнинг фонетик вариантлари. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2010 й. 2-сон.
17. Набиева Д. Фонетик ҳодисалар натижасида лексема номемасининг вариантланиши. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2008 й. 4-сон.
18. Набиева Д. Лексик сатҳда вариантлик. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2006 й. 2-сон,
19. Жуманазарова Г. Паремаларнинг вариантлари ва семантикаси. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2014 й. 1-сон.